

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЖАННАТ ВА ДЎЗАХ КОНСЕПТИНИНГ  
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ

Файзиева Раъно Рахимовна

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети Магистратура булими  
Лингвистика (инглиз тили) факултети 2-босқич талабаси

**Аннотация:** Мақолада замонавий когнитивистиканинг асосий тушунчаси бўлган концепт моҳияти очиб берилган ҳамда ўзбек ва инглиз тилларидаги "дўзах" ва "жаннат" тушунчаларининг когнитив хусусиятлари ва семантик қўлами кўриб чиқилган. "Дўзах" ва "жаннат" тушунчаларининг маданий ва диний аънаналар билан бېғлиқ ҳолда қиёсий аспектда таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** "дўзах" "жаннат" концептлари, когнитив тилшунослик, лингвокультурал контекст, лингвистик олам манзараси, маданий олам манзараси, тушунча, сўз.

**Аннотация:** В статье раскрывается сущность концепта, основного понятия современной когнитивистики, а также рассматриваются когнитивные характеристики и семантический охват концептов "ад" и "рай" в узбекском и английском языках. В сравнительном плане анализируются понятия "ад" и "рай" в связи с культурными и религиозными традициями.

**Ключевые слова:** концепты «ад» и «рай», когнитивная лингвистика, лингвокультурный контекст, языковая картина мира, культурная картина мира, понятие, слово.

## КИРИШ

Маълумки, концепт сўзи тилшунослик ва адабиётшунослик соҳаларида кўп қўллансада, бироқ бу атама когнитив тилшуносликнинг асосий категорияларидан бири саналади.

Концепт бевосита инсон онги, идроки билан боғлиқ бўлган жараён ва олий тафаккур маҳсули сифатида намоён бўлади. Бу тушунчага жуда кўплаб олимлар турлича таърифлар беришган.

Ушбу мавзудаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатишича, концепт буйича олиб борилган илмий изланишлар кўпроқ рус тилшунослигида олиб борилган<sup>249</sup> Бу маънода қуйида келтирилган концепт таърифлари диққатга

<sup>249</sup> Меркулов И. П. Эпистемология (когнитивно-эволюционный подход). СПб., 2003. Т. 1. Миронова Н.Н. Оценочный дискурс: проблемы семантического анализа / Изв. АН России Сер. Лит-ра и яз. М.: Наука, 1997.- С.52-59. Никитин М.В. Основания когнитивной семантики. СПб., 2003. Путилина Л. В., Ахвледиани О. Г. Концепты «ад» и «рай» в русском и английском интернет-анекдоте. // Baltic Humanitarian Journal. 2018. Т. 7. № 3(24) Вежбицка А. Понимание культур через посредство ключевых слов. М.: Языки славянской культуры, 2001. - 288с. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филол. науки. 2001. № 1. С.64-72

лойиқ. Жумладан, Воркачѳв фикрига кўра, "концепт - тилдаги ўз ифодаси ва лингвокультурологик спецификасига эга тушунча, тасаввур ва билимлар тўпламидир. Бу маданий тушунча ва тасаввурларнинг вербаллашган фикрни ҳам англатади. Концепт миллий тил ва миллий тафаккурга тегишли элементдир."<sup>250</sup> Ушбу мулоҳаза Ю.С.Степановнинг "концепт бу маданият элементларидан бирининг киши тафаккурида шаклланган шаклидир, худди шу шаклда маданият киши ментал дунёсига кириб боради", деган фикрига яқин.

Концепт тушунчасининг моҳияти Е.С.Кубрякованинг "Когнитив терминларнинг кискача луғати"да ҳар томонлама тўлиқроқ очиб берилган: Концепт (лот.сопсептуал: маъно, мазмун, тушунча) - инсон онгининг рухий захиралари ва ментал бирликларни ҳамда унинг тажрибаси, билимини акс эттирадиган маълумотларни изоҳлашга хизмат киладиган атама; хотира, ментал сўзлар ва мия билан боғлиқ фаол бирлик - инсон руҳиятида акс этган олам манзарасининг концептуал тизими, яъни шахснинг дунё объектларига оид тасаввурлари, ўйлари, тахминлари, билимлари хакидаги маълумотлардир"<sup>251</sup>.

1990-йиллардан бошлаб "концепт" атамаси фаол таҳлил ва талқин этила бошланади. Бу борада ўзбек тилшуносларидан Ш. Сафаров, М. Рахматова, Э.Маматов, Н.Махмудов, Т.Мардиев, У.Юсупов<sup>252</sup>ларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади.

"Концепт" тушунчаси мавхум ҳодиса бўлгани учун уни моддий жиҳатдан мавжуд бўлмаган, онгимиз, тафаккуримиз орқали ҳосил қилинадиган маънолар жамланмаси деб айтишимиз мумкин. "Бирок "концепт" атамасини "маъно", "тушунча" каби ходисалар билан бир каторга қуйиш мумкинлиги, шу билан биргаликда улар айнан бир хил эмаслиги, ўзаро умумий ва фаркли томонларини ажратиш олиш кераклигини"<sup>253</sup>унутмасликни талаб этади.

Т.Мардиев концепт тушунчасини қуйидагича тавсифлайди: "Концептлар, одатда, инсон турмуш тарзи билан боғлиқ маълум тушунчаларни махсус қолипларга солиш, лисоний ва маданий мавжудлигини белгилашга қаратилади. Маълум бир концепт хар бир лингвомаданиятда ўзига хос шаклланишга эга саналади. Концептлар, ўз навбатида, сўз маъноларига нисбатан кенг талқин этиладиган, мураккаб типологик қурилмага эга."<sup>254</sup> Шунинг учун ҳам бўлса

---

Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). М.: Изд-во Российского Университета дружбы народов, 1997. 335с..Гершанова А. Ф. Концепты "рай" и "ад" в языковой картине мира В.В. Набокова(по роману «Дар»). Уфа. -2003. 226 стр.ва б.

<sup>250</sup> Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филол. науки. 2001. № 1. С.64-72

<sup>251</sup> Кубрякова Е.С. Концепт / Е.С. Кубрякова, В.З. Демьянков, Ю.Г. Панкрац, Л.Г. Лузина // Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1996.С.90-92.

<sup>252</sup> Юсупов Ш. Сафаров, М. Рахматова, Н.Махмудов, Э.Маматов, Т. Мардиев, О. Анорқулова

<sup>253</sup> Анорқулова О. Концепт тушунчаси ва унинг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқига доир мулоҳазалар //Вестник магистратуры. 2022.№ 4-2. (127).- С.52-55

<sup>254</sup> Мардиев Т. "Бахт" концептининг лингвомаданий ва семантик талқини (инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида)// "Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим" (Илмий ахборотнома журнали). – Самарқанд:СамДЧТИ нашриёти, 2016, №10.Б.36-44.;

керак, У.К. Юсупов концепт тушунчасини айсбергга ўхшатиб шундай ёзади: “Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чикиб турган қисми тушунчадир”<sup>255</sup>.

Олам сўз орқали кўп ўлчовли, мураккаб концептлар тизими воситасида акс этади. Бунда улар орқали англанадиган воқеликнинг маълум бир манзараси, яъни дунёнинг глобал концептуал манзарасининг бир қисми бўлмиш оламнинг лисоний манзараси юзага келади. Айнан сўз воситасида оламнинг лисоний манзараси концептуал манзара билан боғланади. Концептлар дунёнинг лингвистик манзарасини инсонга маълум бўлган барча мумкин бўлган дискурсив вазиятларга мос келадиган ўзига хос “микрооламларга” бўлиниш натижасида ҳосил бўлган алоҳида ментал шаклланишлар сифатида, маданиятнинг мавжудлик шакли ... сифатида хизмат қилади. Бунда концепт-сўз бирор бир лингвомаданий майдонни номлайдиган креатив бирлик сифатида намоён бўлади.<sup>256</sup>

Оламнинг лисоний манзараси шу тил ташувчиларнинг концептуал тизимини бойитади. Шу боис бир пайтнинг ўзида дунёнинг когнитив манзарасида дунёнинг лисоний манзараси ва шахснинг қарашлари билан боғлиқ дунёнинг шахсий манзараси бирлашади.

Сўз ва концептни кўриб чиқаётганда, одамни истисно қилмаслик керак, зеро инсоннинг маданий тажрибаси қанчалик кенг ва бой бўлса, концепт салоҳияти ҳам шунчалик кенг ва бой бўлади. Ҳар бир инсоннинг ўзига хос маданий тажрибаси, у билган сўз маънолари ва тушунчалар бойлигини белгилайдиган билим ва кўникмалар захираси мавжуд.

Концепт контекст ва одамнинг шахсий тажрибасига қараб турлича талқин қилиниши туфайли алоҳида лисоний шахснинг индивидуал концептуал соҳаси ҳақида ҳам сўз юритиш имконини беради.

Ўзбек ва инглиз тилларидаги лисоний концептларини таққослаб ўрганилганда, уларларнинг тадқиқ этилиш аспектига қараб уларни *универсал концептлар*, *лингвомаданий концептлар* (тадқиқотнинг лингвокултурологик жиҳати) ва *уникал концептларга* ажратиш мумкинлиги аён бўлди<sup>257</sup>. Булар жумласига маъносида бирор бир семантик усул ёки тасаввур мужассам этган ҳар қандай лексик бирликни киритиш мумкин. Биринчи турдаги концептлар, сон жиҳатдан чекланган ва миллий менталитетни тушунишда тил ташувчиларининг оламга нисбатан алоҳида муносабатида асосий бўлган “фундаментал универсал концептлар” ҳисобланади.

Кўпгина тадқиқотчилар томонидан концепт предметли мутаносиблик, барча коммуникатив жиҳатдан аҳамиятли маълумотларни ўз ичига олган

<sup>255</sup> Юсупов Ў.Қ- Маъно, тушунча, концепт ва лингвокултура атамалари хусусида // Стилистика тилшу носликнинг замонавий йўналишларида: Илмий амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 49.

<sup>256</sup> Гершанова А. Ф. Концепты "рай" и "ад" в языковой картине мира В.В. Набокова(по роману «Дар»). Уфа. - 2003. 226 стр. Миронова Н.Н. Оценочный дискурс: проблемы семантического анализа / Изв. АН России Сер. Лит-ра и яз. М.: Наука, 1997.- С.52-59..

<sup>257</sup> Гершанова А. Ф. Концепты "рай" и "ад" в языковой картине мира В.В. Набокова(по роману «Дар»). Уфа. - 2003. 226 стр.

лингвистик белгининг мазмуни; белгининг парадигматик, синтагматик ва сўз шакллантирувчи муносабатлари; белгининг экспрессив ва коммуникатив функциялари туфайли барча прагматик маълумотлари ҳамда тилнинг асл мақсади ва маънавий қадриятлари тизими билан боғлиқ бўлган сўзнинг когнитив хотираси сифатида тавсифланади. Культурологик нуқтаи назардан, концептлар ҳар қандай лисоний онгга хос бўлган стереотип образни ифодалайди. Бундай концептлар миллий-маданий маркерга эга, улар умумий валентлик алоқалари орқали "объект" ҳақидаги энг умумий, максимал мавҳумлаштирилган, аммо аниқ ифодаланган "предмет" ғоясини намоён этади. Улар дунёнинг маълум бир лингвистик манзарасининг ўзига хослигини белгилайди.

Т.Мардиев фикрига кўра: "Концептлар, одатда, инсон турмуш тарзи билан боғлиқ маълум тушунчаларни махсус колипларга солиш, лисоний ва маданий мавжудлигини белгилашга қаратади. Маълум бир концепт ҳар бир лингвомаданиятда ўзига хос шаклланишга эга саналади. Концептлар, ўз навбатида, сўз маъноларига нисбатан кенг талқин этиладиган, мураккаб типологик қурилмага эга"<sup>258</sup>. Тилшунос олим "бахт" концептини ўрганиш натижасида ушбу тушунча эр-хотин (оила) муносабатларидаги ижобий ҳолат, ижобий қариндошчилик муносабатлари, соғлом турмуш тарзи, ижобий жамоавий муносабатлар (қўни-қшшни, жамоада ўз ўрнига эга бўлиш), маънавий-ахлоқий турмуш тарзи, жисмоний саломатлик, меҳр-муҳаббат, турмуш тарзидан қониқиш, худодан розилик, истак-хоҳишнинг амалга ошиши, етуклик, турмуш қуриш, тақдирдан ризолик, фарзандли бўлиш ва фарзандларнинг ахлоқий-маънавий етуклиги каби концептуал бирликларни ўз ичига олишини аниқлаган<sup>259</sup>.

Концептлар турли тилларда ва бир хил тилнинг турли ташувчиларида айнан бир хил бўлмаслиги мумкин, чунки улар инсоннинг оламни қандай кўришига боғлиқ. Бунга ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги *жаннат* ва *дўзах* концептларининг лингвокультурологик таҳлили мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Маълумки, "дўзах" ва "жаннат" концептлари нафақат тилшунослик, балки бошқа кўп соҳаларда ҳам катта қизиқиш уйғотган ва кўп йиллардан бери ўрганиб келинмоқда. Бироқ ўзбек когнитивисикаси нуқтаи назаридан ушбу концептлар ҳанузгача ўрганилмаган. Уларнинг тил ва маданият билан боғлиқлиги, айниқса диний лексиканинг асосий бирликларидан бўлганлиги уларга хос барча мазмун ва маъноларни аниқлашни тақозо этади. Уларни инглиз тилидаги худди шундай концептлар билан таққослаш улар атрофида

<sup>258</sup> Мардиев Т. "Бахт" концептининг лингвомаданий ва семантик талқини (инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида)// "Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим" (Илмий ахборотнома журнали). – Самарқанд:СамДЧТИ нашриёти, 2016, №10.Б.36-44.;

<sup>259</sup> Анорқулова О. Концепт тушунчаси ва унинг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқига доир мулоҳазалар //Вестник магистратуры. 2022.№ 4-2. (127).- С.52-55

жамланган когнитив бирликларни аниқлаш вазифасини янада енгиллаштиради. Чунки бундай ёндашув улардаги барча ўхшаш ва тафовутли когнитив хусусиятларни аниқлашни осонлаштиради.

Дўзах ва жаннатнинг ноаниқ қиёфаси нафақат олимларни, балки кўплаб оддий одамларни ҳам қизиқтириб келган. Бунга замонавий интернет фойдаланувчиларнинг дўзах ва жаннат ҳақидаги турлича фикрларидан ҳам билса бўлади<sup>260</sup>.

Уларнинг жавобларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, замонавий кишилар дўзахни қуйидагича тасаввур қилишади: ўликлар абадий маънавий ва жисмоний жиҳатдан азобланадиган жой; гуноҳкор руҳлар, жинлар ва шайтонларнинг яшаш жойи, "ер ости" – совуқ билан боғлиқ бўлган абадий зулмат, ёлғизлик; " ғазаб, ҳасад, худбинлик, очкўзлик, рашк ва ҳ.к." - ўз ва бошқаларнинг ҳаракатлари, истаклари ва бажарилмаган орзулари, завқлари, шунингдек, одамнинг "бошида" нима борлиги, шунинг учун "ҳар кимнинг ўз дўзахи бор".

Аксарият ҳолларда жаннат боғлар, ҳушбўйликлар, абадий ёз, фаришталар ва ёқимли мусиқалар эшитилиб турадиган жой. Шундай қилиб, жаннат: – "ёз учун осиб қўйилган эшик, денгиз қирғоғидаги очиқ айвон ва қолгани эса худди Баунти шоколади рекламасидагидек; – "мен ўзим жаннат нима эканлигини жоним билан тушунаман. Аммо мен буни мендан бу ҳақда сўраган одамларга тушунтира олмайман" – бу "руҳ яхши ва хотиржам бўлган жой, чунки у баъзи бир глобал илоҳий тушунча каби яхши бўлиши керак "; "болаликдаги каби онанинг илиқ кучоғидагидек яхши бўлган жой"; бу Осмондаги жой, Худога яқинроқ; - бу абадий баҳор ҳукм сурадиган охират ҳаётининг бир қисми – - "ниҳоятда гўзал ва ҳушбўй жой, унда соғинч ва қайғу бўлмайди, қор ва бўронлар бўлмайди" – - " бу ҳар бир инсон юрагида."

Инглиз тилида сўзлашадиган фойдаланувчилар форумларида ушбу саволларга жавоблар ҳам ўрганилганда, what is Hell like?; what is hell for you?; what is heaven? what is hell; is hell real?; What is heaven like?; what do you think Heaven will be like?; do you believe in Heaven and Hell?, яъни дўзах қандай?; сиз учун дўзах нима?; осмон нима? жаҳаннам нима?; жаҳаннам ҳақиқийми?; осмон каби нима? ; Сизнингча, осмон қандай бўлади? ; сиз Жаннат ва дўзахга ишонасизми? каби саволларга: – the place where bad people go when they die; – the experience that is very unpleasant; – it is used to emphasize something in a rude or angry way; a place for extreme and terrifying torture; – the place or state of punishment of the wicked after death; the abode of evil and condemned spirits – any place or state of torment or misery, яъни ёмон одамлар ўлганда борадиган жой, жудаўта ёқимсиз тажриба, бирор нарсани кўпол ёки ғазабланган тарзда

<sup>260</sup> Путилина Л. В., Ахвледиани О. Г. Концепты «ад» и «рай» в русском и английском интернет-анекдоте. // Baltic Humanitarian Journal. 2018. Т. 7. № 3(24).

таъкидлаш учун ишлатилади; гуноҳкорлар абадий ёниб, қийноққа солинадиган ва ҳеч қачон ўлмайдиган "олов ва олтингугурт" жойи; ҳаддан ташқари ва даҳшатли қийноқ жойи; ўлимдан кейин ёвузларни жазолаш жойи ёки ҳолати; ёвуз ва маҳкум руҳларнинг маскани каби жавобларни беришди<sup>261</sup>.

Жаннат инглиз маданиятида иккита лексема – Heaven и Paradise билан ифодаланади, улар маъноларига кўра синонимлардир. Heaven и Paradise ни инглиз тилида сўзлашадиган фойдаланувчилар қуйидагича, яъни is a place of blessing where the righteous go after death; – is an image, a picture drawn of the joys of the next world that we can relate to...; «...like a world of peace and happiness»; – is different for each person»; – is pie in the sky, a fantasy fairy tale in our mind but fairy tales are not real now are they»; «I happen to believe that heaven, along with hell, are not places, but are instead conditions that we experience in this life», яъни яхшилар ўлимдан кейин борадиган яхши жой; - бу биз билан боғлашимиз мумкин бўлган кейинги дунё қувончлари чизилган расм"... тинчлик ва бахт дунёси каби" – ҳар бир инсон учун ҳар хил"; - осмондаги пирог, бизнинг онгимизда хаёлий эртак, аммо эртаклар ҳозир ҳақиқийдир"; "мен жаннат, дўзах билан бирга, жой эмас, балки бу ҳаётда биз бошдан кечирадиган шароитлар эканлигига ишонаман" тарзида изоҳлайдилар. Юқорида келтирилган мисоллардан дўзах ва жаннат ҳақидаги тасаввурлар жуда аниқ, ёрқин тарзда, деярли бир хилда кўпчилик онгида намоён бўлади деган хулосага келишимиз мумкин<sup>262</sup>.

"Жаннат" ва "дўзах" концептлари маданий ва диний жиҳатдан ўзбек тилида сўзлашувчилар дунёсининг лингвистик манзарасида ҳам ўзига хос равишда намоён бўлади. Таҳлиллар концептлар нафақат жаннат ва дўзах ҳақидаги билимларни ўз ичига олишини, балки уларнинг маъноларининг умумийлигини ҳам кўрсатди. Бунга "Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати"даги жаннат ва дўзах лексемаларининг қуйидагича изоҳларидан ҳам ишонч ҳосил қилса бўлади:

**Жаннат** — диний таълимотларга кўра, дўзах терминининг зидди, диний эътиқод ва талабларни тўлиқ адо этадиган, эзгулик ишларини қиладиган, меҳр-мурувват кўрсатадиган, бир сўз билан айтганда, тақводорларнинг вафотидан кейин бахтли ва фаровон яшайдиган маконини англатадиган термин."<sup>263</sup> Ушбу изоҳда таъкидланишича ибтидоий дин шаклларида, уруғ-қабил динларида жаннат ҳақида тўлиқ тасаввурлар шаклланмаган эди. Жаннат ҳақидаги тасаввурлар миллий ва жаҳон динлари билан биргаликда пайдо бўлади. Жаҳон динлари таълимотида жаннат ва дўзахнинг ҳар бирига алоҳида таъриф ва тафсирлар берилади. Диний ақидаларда диний талаб ва эътиқодларни тўлиқ

<sup>261</sup> Путилина Л. В. Ахвледиани О.Г. Концепты «ад» и «рай» в русском и английском интернет-анекдоте // Балтийский гуманитарный журнал. 2018. Т. 7. № 3(24)

<sup>262</sup> Путилина Л. В., Ахвледиани О. Г. Концепты «ад» и «рай» в русском и английском интернет-анекдоте. // Baltic Humanitarian Journal. 2018. Т. 7. № 3(24).

<sup>263</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати / ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти; таҳрир ҳайъати: Х.Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. Б. 166. (760 б)

адо этган, маросим ва урф-одатларни бекаму кўст бажарган, ёмонликка, хиёнатга қўл урмайдиган, Худони қалби ва юрагида сақлайдиган кишиларгина жаннатга тушиши мумкинлиги таъкидланади. Жаннат ҳақидаги тасаввурлар асрлар давомида кишиларни яхшиликка, ёмон ишлардан ўзини сақлашга чорлаб келган ва келмоқда.

Номи юқорида зикр этилган луғатда “дўзах (форс, жаҳаннам) — жаҳонда тарқалган диний таълимотларга кўра, диний талабларни бажармаган, эътиқоди суст, гуноҳкор бандалар охиратда жазоланадиган жойни англатувчи термин; жаннатнинг зидди, унга қарама-қарши мазмунни ифодалайдиган атама”<sup>264</sup>. Жаҳон динлари: буддавийлик, христианлик, ислом ва миллий динларнинг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши сабабли уларнинг таълимотларида “дўзах” ва “жаннат” лексемалари кенг ва батафсил шарҳланган. Бу диний таълимотларга эътиқод қилувчилар тасаввурида “дўзах” сўзи чуқур мазмунга эга бўлиб, диндорларни гуноҳ ишлардан қайтариш, яхши савобли ишларни кўпроқ бажаришга чорлаган ва ҳозир ҳам чорлаб келмоқда.

“Жаннат ва дўзах инсон етиб борадиган охирги манзиллардир. Инсон улардан бирига етгандан кейин, унда абадий қолади. Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби эътиқодича, бу икки нарса моддий бўлиб, улардаги нарсалар ҳам руҳга, ҳам жисмга оиддир. Улардаги неъматлар ва азоблар ҳам жисмга, ҳам руҳга бериладир. Жаннат ва дўзах абадий турадиган нарсалардир. Уларга тушган кишиларнинг қолиши ҳам абадий бўлади. Фақат баъзи осий мўминлар ўз қилмишларига яраша жазони ўтаб бўлганларидан кейин, дўзахдан жаннатга чиқариладилар.”<sup>265</sup>

“Жаҳаннам” ва “жаннат” сўзларининг турли хил атрибутлар ва предикатлар билан бииркувчанлигини кузатиш тегишли тушунчаларнинг яширин (метафораланган) асосли лексик параметрлардан иборат чуқур ассоциатив хусусиятларини, яъни гешталтларни аниқлаш имконини берди. “Дўзах” ва “жаннат” тушунчаларига қуйидаги реалаялар ҳақидаги универсал билимлар киради: гуноҳкорлар, ахлоқ-одоб қонунларини бузганлар дўзахга, азиз авлиёлар ва тақводорлар эса жаннатга киритилади. “Аслида жаннат битта бўлиб, унинг сифатлари хилма-хил эканлиги, жаннат саломатлик уйи ҳисобланиб, Аллоҳ уни Ўзига итоат қилган мўмин ва мўминаларга тайёрлаб қўйганлиги кўп манбаларда эътироф этилади”<sup>266</sup>

Турли халқлар дунёсининг мифологик манзараларида дўзах ва жаннат ғояси дўзах ва жаннат ўртасида аниқ бўлиниш йўқлигини кўрсатади. Ҳаёт жараёни тугайдиган сўнгги соҳалари бўлмиш жаннат ва дўзах абадийлик муҳрини олади: бахтли абадийлик ёки азобли абадийлик. Инсон ўз ҳаёт йўлини

<sup>264</sup> Ўша ерда, Б. 147.

<sup>265</sup> Жаннат аҳли / тузувчи: Раҳматуллоҳ Нурматов; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2015. – Б. 4 б ( 132 б )

<sup>266</sup> Жаннат аҳли / тузувчи: Раҳматуллоҳ Нурматов; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2015. – 132 б.

танлашда ва бунинг учун жавобгар бўлишда эркин ҳисобланади. Бироқ, ўлимдан кейин руҳ кетадиган жойларнинг тасвирлари, қадимги одамларнинг тасаввурларида, ёвузлик дунёсига жуда шартли бўлинишга эга бўлган. Бундан ташқари, ер ости дунёси, ўликлар дунёси тириклар дунёсининг ажралмас қисми бўлиб, улар билан доимо алоқада бўлган: ўликларнинг қайғули тақдири тириклар тақдири билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Таҳлиллар давомида "жаннат" тушунчаси дунёнинг лингвистик манзарасида локал (маҳаллий) ва гедонистик когнитив моделларда тасвирланганлиги аниқланди (масалан: "Ким Аллоҳ ва (Унинг) пайғамбарига итоат этса, уни остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларга (жаннатга) киритур. (Улар) у ерда абадий (бўлурлар). Бу улкан ютуқдир"<sup>267</sup>; "Шу (дўзах) яхшироқми ёки тақводорларга ваъда қилинган мангулик жаннатими?!" Улар учун (бу) мукофот ва натижа бўлур эди"<sup>268</sup>). Буларнинг ҳар бири маълум бир фреймга тўғри келади: "самовий жаннат", "ердаги дастлабки ибтидоий жаннат" (локал модел турлари) ва "жаннат - яшаш шароитлари" (гедонистик модел) ва "жаҳаннам" лингвистик тушунчаси иккита когнитив моделда: "жаҳаннам ости дунёси" (локал модел) ва "жаҳаннам-яшаш шароитлари" (гедонистик модел)да намоён этилган.

"Жаннат" ва "дўзах" лексемаларининг бирикувчанлигини кузатиш, уларнинг барча маъноларининг хилма-хиллигини очиб берди, бу тушунчаларнинг гельштат тузилмаларини белгилашга, шунингдек уларнинг концептуал майдонларини моделлаштиришга имкон берди.

"Дўзах" ва "жаннат" тушунчаларига қуйидаги реалиялар ҳақидаги универсал билимлар киради: гуноҳкорлар, ахлоқ-одоб қонунларини бузганлар дўзахга, азиз авлиёлар ва тақводорлар эса жаннатга киритилади.

Турли халқлар дунёсининг мифологик манзараларида дўзах ва жаннат ғояси дўзах ва жаннат ўртасида аниқ бўлиниш йўқлигини кўрсатади. Ҳаёт жараёни тугайдиган сўнгги соҳалари бўлмиш жаннат ва дўзах абадийлик муҳрини олади: бахтли абадийлик ёки азобли абадийлик.

Инсон ўз ҳаёт йўлини танлашда ва бунинг учун жавобгар бўлишда эркин ҳисобланади. Бироқ, ўлимдан кейин руҳ кетадиган соҳаларнинг тасвирлари, қадимги одамларнинг тасаввурларида, ёвузлик дунёсига жуда шартли бўлинишга эга бўлган. Бундан ташқари, ер ости дунёси, ўликлар дунёси тириклар дунёсининг ажралмас қисми бўлиб, улар билан доимо алоқада бўлган: ўликларнинг қайғули тақдири тириклар тақдири билан чамбарчас боғлиқ эди.

Буларнинг барчаси "жаннат" ва "дўзах" концептларидаги қуйидагича умумий хусусиятларини аниқлашга имкон берди: 1) яхшилик ва ёмонлик тўпланган, аниқ фазовий позицияга эга бўлмаган, лекин дарё билан ажратилган жой: ёвузлик ва зулмат ва абадий ўлим, олов / совуқ кучлари дўзахда

<sup>267</sup> Нисо сураси 13 оят

<sup>268</sup> Фурқон сураси, 15-оят.



хукмронлик қилади, кучлари (шайтон, шайтон ва барча ёвуз руҳлар), жаннатда - яхшилик, абадий фаровонлик ва тинчлик кучлари (Белбоғ, тирик, фаришталар ва бошқалар.); 2) жаҳаннам сифатлари: сассиқ ҳид, олов, абадий тун, жаннатда - салқинлик, ажойиб боғ гўзал гуллари билан, ёруғлик; 3) башар учун абадий тайёрланган давлат - аламли ёки бахтли, охирги Қиёматдаги ҳукмга қараб: жазо (гуноҳқорлар жаҳаннамда азобларни чекишади) ёки мукофот (жаннатдаги солиҳлар - роҳат-фароғат). Аммо, одатда, ҳам бу, ҳам бошқа тақдир ачинарлидир, чунки улар ердаги ҳаётни тарк этганликларини - ўлимни англатади.

Дўзах ва жаннат ҳақидаги турли мифологик ва диний тасаввурларни умумлаштириб шуни таъкидлаш мумкинки, "жаннат" ва "дўзах" тушунчалари мифологик хусусиятга эга. Улар макон ва замонда намоён бўлиш (жой, вақт фазаси), ички тузилишнинг изчиллиги (атрибутив характеристикада бир-бири билан ўзаро таъсир қилувчи бирламчи ва иккиламчи белгиларни ажратиш мумкин), детерминизм (ушбу маконда жойлашган субъектнинг ташқи ва ички намоён бўлиши мавзу, бевосита ва тесқари шартлилик) ўхшаш концептуал тузилмаларга эга.

Этимологик, тарихий ва замонавий изоҳли, фразеологик луғатлар, шунингдек синонимлар ва антонимларнинг маълумотлари асосида "жаннат" ва "дўзах" концептларининг мунтазам ва энг типик лингвистик репрезентацияларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу концептлар умумий мифологик хусусиятга эга. Улар маълум бир дифференциал хусусиятларга эга: масалан, уларга макон ва замонда мажуд бўлиш, атрибутлилик, сабаб-оқибат муносабатлари, жаннат ёки дўзах ҳолатига тушиб қолган субъектлар томонидан қабул қилинадиган ролли установакалар билан ажралиб туради, шунинг учун бу концептлар тақдим этилган фреймларнинг изоструктуралилигини қайд этишимиз мумкин.

Тадқиқот давомида "жаннат" тушунчаси дунёнинг лингвистик манзарасида локал (маҳаллий) ва гедонистик когнитив моделларда тасвирланганлиги аниқланди, уларнинг ҳар бири маълум бир фреймга тўғри келади: "самовий жаннат", "ердаги дастлабки ибтидоий жаннат" (локал модел турлари) ва "жаннат - яшаш шароитлари" (гедонистик модел) ва "жаҳаннам" лингвистик тушунчаси иккита когнитив моделда: "жаҳаннам ости дунёси" (маҳаллий модел) ва "жаҳаннам-яшаш шароитлари" (гедонистик моделлар) намоён этилган. Жаннат ва дўзах лексемаларининг бирикувчанлигини кузатиш, уларнинг барча маъноларининг хилма-хиллигини очиб берди, бу тушунчаларнинг гкльштат тузилмаларини белгилашга, шунингдек уларнинг концептуал майдонларини моделлаштиришга имкон берди.

Когнитивистикада бадий асарлар матнидан олинган концептлар алоҳида ўрин тутаяди. Бадий концепт муаллиф дунёқарашини ифодалайди ва бадий матннинг ўзи бетакрордир.

XX аср дунёсининг бадий манзарасида "жаннат" ва "дўзах" концептлари бошқача талқинга эга бўлади, бу айниқса постмодернистик ёзувчиларнинг асарларида яққол намоён бўлади, уларнинг вакилларида бири В. В. Набоковдир. Унинг " Совға " (Дар)<sup>269</sup> романи ёзувчи дунёсининг муаллифлик манзарасининг аксидир, унинг ўзига хослиги асосан постмодернизмнинг эстетик концепцияси билан боғлиқ бўлиб, у тасвирлаган воқеликнинг паромантиқийлиги ва симулятивлигида ўз ифодасини топади, Муаллифнинг "жаннат" ва "дўзах" ҳақидаги билимларида ушбу мифемалар мазмунини ташкил этувчи концептлар ҳақида умумий фикр-мулоҳаза мавжуд.

"Совға" романида "жаннат" тушунчаси иккита, яъни гешталтларда намоён бўлувчи гедонистик ва локал (маҳаллий) когнитив моделда ифодаланади: "жаннат - болалик" ва "жаннат — катталар дунёси" ва "дўзах" тушунчаси фақат гедонистик моделда: "дўзах - воқелик" ўз ифодасини топган.

Лингвистик концептлар кўпроқ даражада маҳаллий когнитив моделларда ифодаланса, бадий концептлар эса гедонистик моделлар орқали намоён бўлади (В. В. Набоковнинг дунёнинг бадий манзарасида дунёқарашни белгилайди).

Оламнинг умумлисоний манзарасини акс эттирувчи лингвистик концептлар бадий концептларга нисбатан ва периферик зоналар кўлами жиҳатидан иккинчисидан анча чекланган ҳисобланади.

Матндаги "дўзах" ва "жаннат" концептларининг кўплаб импликациялари уларнинг ментал соҳасини сезиларли даражада кенгайтиради, чунки улар янги маънолар ва янги сўзлар билан вербал ифодаланади. Айнан матн концептлари дунёнинг лингвистик манзарасидаги концептларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган, бу концептларни ифодаловчи маънолар оқимида намоён бўлади. Бу борада тушунишда бинарлик (қарама-қаршилилик) принципи воқеликни англашда жуда зиддиятли бўлиб қолади: оламнинг бадий манзарасида мустақил равишда ажратилган "жаннат" тушунчаси "дўзах" тушунчасидек коррелятив жуфтликка эга эмас ва бу постмодернизм нуқтаи назардан бўлмаслиги ҳам керак.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бирор лексема концептуал таҳлилга тортилганида, энг аввало, унинг тилдаги мазмун-маъноси когнитив жиҳатдан ўрганилганда, унинг мазмуни янада чуқурроқ намоён бўлаверади. Концепт сўзни шунчаки англаган маъносига қараб эмас, унинг ҳаётда ифодаланадиган барча тушунчаларини, инсон идроки билан боғлиқ жиҳатларини, лингвомаданий кўринишларини когнитив тарзда талқин этади. Шунинг боис табиий тил – "дунёни идрок этиш ва тушуниш, шунингдек, хотира ва ақл даражаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган жуда муҳим когнитив восита"<sup>270</sup>

<sup>269</sup> В. В. Набоков. Дар Классическая проза , 2004

<sup>270</sup> Меркулов И. П. Эпистемология (когнитивно-эволюционный подход). СПб., 2003. Т. 1. С.116

сифатида когнитивист олимларнинг диққатини ҳанузгача жалб қилиб келмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар:

Аноркулова О. Концепт тушунчаси ва унинг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқига доир мулоҳазалар // Вестник магистратуры. 2022. № 4-2. (127).- С.52-55

Вежбицка А. Понимание культур через посредство ключевых слов. М.: Языки славянской культуры, 2001. - 288с.

Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филол. науки. 2001. № 1. С.64-72

Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). М.: Изд-во Российского Университета дружбы народов, 1997. 335с.

Гершанова А. Ф. Концепты "рай" и "ад" в языковой картине мира В.В. Набокова (по роману «Дар»). Уфа. -2003. 226 стр.

Жаннат аҳли / тузувчи: Раҳматуллоҳ Нурматов; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2015. – 132 б.

.Кубрякова Е.С. Концепт / Е.С. Кубрякова, В.З. Демьянков, Ю.Г. Панкрац, Л.Г. Лузина // Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1996.С.90-92.

Мардиев Т. “Бахт” концептининг лингвомаданий ва семантик талқини (инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида)// “Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим” (Илмий ахборотнома журнали). – Самарқанд:СамДЧТИ нашриёти, 2016, №10.Б.36-44.;

Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати / ЎЗР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти; таҳрир ҳайъати: Х.Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.760 б.

Меркулов И. П. Эпистемология (когнитивно-эволюционный подход). СПб., 2003. Т. 1.

Миронова Н.Н. Оценочный дискурс: проблемы семантического анализа / Изв. АН России Сер. Лит-ра и яз. М.: Наука, 1997.- С.52-59.

Набоков.В.В. Дар. Классическая проза издательство -, год 2004М., 2001.

Никитин М.В. Основания когнитивной семантики. СПб., 2003.

Путилина Л. В., Ахвледиани О. Г. Концепты «ад» и «рай» в русском и английском интернет-анекдоте. // Baltic Humanitarian Journal. 2018. Т. 7. № 3(24).

Ришар Ж.Ф. Ментальная активность. Понимание, рассуждение, нахождение решений. М.: Изд-во Ин-т психологии, 1998. 232с.